



ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

UZBEK LAW REVIEW

ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

УЗБЕКИСТАНА

2015

№2

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахарорович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., ТДЮУ Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори
Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., доцент.

Исламходжаев Хасан Суратович – ю.ф.д., доцент.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., доцент.

Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.

Файзиев Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.

Абдурасулова Қумринисо ... – ю.ф.д., профессор.

Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.

Мухитдинов Фахриддин ... – ю.ф.д., профессор.

Тошев Бобокул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – ю.ф.н.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш суралади:

Гулямов Сайдилла Саидахарорович,
Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36 (1073)

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2015 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университети мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **М. Юсупов**
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 29.07.2015

Наشريёт ҳисоб табоғи – 6

«IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди
Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2015

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Г.Маликова Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мулк асослари.....	5
З.Амиров Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқий тарбия.....	8
Н.Хайриев Қадимги юнон даражатида судда ишларни юритишни ташкил этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари: илмий-назарий таҳлил.....	10
Д.Холманова Қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик экспертизасининг ўрни ва аҳамияти.....	13

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

В.Эргашев, Н.Имомов Кўчмас мулк тўшунчаси ва ҳуқуқий режимига умумий тавсиф.....	15
З.Эсанова Фуқаролик процессуал ҳуқуқида процессуал муддатлар институтини янада такомиллаштириш зарурати.....	20
И.Рустамбеков Инновацияларни тижоратлашувини ҳуқуқий тартибга солишга доир умумий масалалар.....	22
А.Аманов Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотнинг моҳияти ва аҳамият.....	24
Р.Хусайнова Энергия таъминоти шартномасининг ҳуқуқий табиати.....	28
Т.Мадумаров Ўзбекистонда микроолиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари: амалдаги ҳолат ва такомиллаштириш истиқболлари.....	31
О.Холмуминов Ер ва бошқа табиий ресурсларга мулк ҳуқуқи масалалари.....	34

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

Н.Салаев Жиноятчиликни олдини олишда озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни қўллашнинг долзарб муаммолари.....	38
М.Уразолиев Вояга етмаган шахсни ғайририжтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга доир жиноят қонунчилигини такомиллаштириш масалалари.....	41
Ж.Абдурахмонхўжаев Айрим хорижий мамлакатларда судьялар корпусини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	43
Л.Тон Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида ҳимоячининг далилларни тўплашда иштирок этишининг истиқболлари.....	46
Д.Камалова Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив белгилари.....	50
Ф.Маликов Совершенствование стадии постановления приговора по судебному разбирательству в первой инстанции.....	53
Н.Рамазанова Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиш лозим бўлган ҳолатлар.....	55

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

М.Гасанов, Г.Саримсакова Дам олиш ҳуқуқи: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар.....	58
А.Мухаммеджанов Замонавий дунёда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини роли ва таъсири ўсиши (Хиндистон ва Покистон мисолида).....	63
Б.Мусаев Халқаро меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили.....	65
Х.Абдурахманова Турли ҳуқуқий тизимдаги мамлакатлар қонунчилигида етмаганларнинг лозим номулк ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моддий-ҳуқуқий асослари.....	69
С.Мусаев Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқ соҳасидаги томонлама ва кўп томонлама шартномаларнинг таъсири.....	73
ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ	
Х.Азизов, М.Бердиқулов Тадбиркорлик фаолияти қонунчилигида таъсирдорлик соҳасида бошқарув кодексининг роли.....	75
Н.Райимов Хусусий мулкни ва тадбиркорлик субъектини қўллашнинг ҳуқуқий асослари.....	78

Д.Камалова
ТДЮУ “Жиноят ҳуқуқи ва
криминология” кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада Жиноят кодексининг 16 ва 25-моддаларининг ўзаро мувофиқлиги тайёргарлик кўришнинг объектив белгилари мисолида таҳлил қилинган. Шу асосда жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: тайёргарлик, жиноят таркиб, объект, предмет, объектив томон.

Аннотация: в данной статье анализируется вопрос о соотношении ст.ст. 16 и 25 Уголовного кодекса Республики Узбекистан на примерах объективных признаков приготовления к преступлению. На основании этого даются соответствующие предложения по усовершенствованию уголовного законодательства.

Ключевые слова: приготовление, состав преступления, объект, предмет, объективная сторона.

Annotation: in this article analysis the question of the relationship between articles 16 and 25 Criminal Code of the Republic of Uzbekistan of the examples of objective signs of preparation for crime. Moreover, give some offers for improvement criminal legislation

Key words: preparation, corpus delicti, object, subject, objectively side

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг жиноят таркиби қатор хусусиятлар билан тавсифланади: жумладан, тамом бўлган жиноят таркибига қараганда ўзига хос бўлиб, бунда шахснинг қасди қаратилган жиноят объектига бевосита тажовуз амалга оширилмаган бўлади, ЖК Махсус қисм диспозициясида ифодаланган қилмиш содир этилмайди, шунингдек, тайёргарликнинг ҳар қандай ҳаракати жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти томонини ташкил этади. Шунинг учун тайёргарликнинг объектив белгилари батафсил таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ.

“Жиноятнинг ижтимоий ва юридик моҳияти, юз берадиган ижтимоий хавфли оқибатлар, жиноят ҳуқуқий норманинг амал қилиш доираси, квалификация ва ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш масалаларини ҳал этиш учун жиноят объекти тўғри аниқланиши зарур” [1, 22-бет.]. Шунинг учун, жиноятга тайёргарлик кўриш объекти масаласи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу хусусида С.В.Чернокозинская тўғри таъкидлаган, яъни жиноят объекти жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарурий белгиси ҳисобланар экан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун шароит яратиш қайси объектга йўналтирилганлиги, жиноят охиригача етказилган ҳолларда, қайси объектларга зарар етказилиши мумкинлиги ва айнан ким учун зарар етказиш хавфи юзага келганлиги аниқланиши лозим” [2, 81-82-бет].

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муҳим қимматликлар бўлиб, шахс уларга тайёргарлик кўриш ҳаракат (ҳаракатсизлиги) орқали зарар етказишнинг

реал хавфини юзага келтиради. Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари жиноят объектига кўра фарқланади. Л.З.Тадевосян таъкидлашича, “жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти жиноятига суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноят таркиби билан мувофиқ келади” [3, 49-бет].

“Жиноятга тайёргарлик кўришнинг асосий хусусияти шундаки, тамом бўлган жиноятни бевосита содир этилиши учун шароит яратилади. Жиноятга тайёргарлик кўришда шахс онгли равишда ҳаракат қилади ва жиноят содир этиш учун шароит яратади. Субъект фақатгина тайёргарлик кўриш ҳаракатлари билан чекланмайди, аксинча, шахс жиноятни охиригача етказиш ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишни истайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусияти, жиноий тажовуз йўналтирилган объектдан вақт ва макон жиҳатдан узоқда бўлганлиги билан тавсифланади. Аксарият ҳолларда, жиноят объекти айбдор учун ҳали аниқ бўлмайди. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бериши ҳам ноаниқ ҳисобланади” [4, 49-50-бет]. Дарҳақиқат, К.Т.Тедеев тўғри таъкидлаган. Жиноятга тайёргарлик кўришда айнан тамом бўлган жиноятни содир этиш учун шароит яратилади, аммо тайёргарлик кўриш ҳаракатлари жиноят қонуни билан кўриқланадиган аниқ объектга қаратилган бўлиши лозим. Айнан шу жиҳат ҳам уни жиноий қасднинг намоён бўлиши босқичидан фарқлайди, шунинг учун жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят объекти конкрет бўлиши талаб этилади.

Жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли тажовуз ишлаб чиқариш фаолиятига, муайян манфаатларга, қимматликларга, ёки бевосита инсонларга зарар етказишга қаратилган бўлади. Шунинг учун “жиноят объектининг факультатив белгиларини ажратиш зарур бўлиб, улар объектив ҳаётда моддий ёки жисмоний шаклда ифодаланиб, жиноят содир этган шахс томонидан бевосита таъсир этишида намоён бўлади” [1, 48-бет]. Жумладан, жиноят предмети жиноят таркибининг факультатив белгиси бўлиб, объектни ифодамайди. “Тамом бўлган жиноятнинг предмети шахс тажовузи натижасида қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилиши мумкин бўлган адиган моддий қимматликлар ёки интеллектуал мулк ашёлари тушунилади. Масалан, ўғрилиқ жиноятининг объекти мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бўлиб, предмети ўзганинг мулки ҳисобланади. Ўғрилиқ жиноятга тайёргарлик ўзганинг мулкини талон-торож қилишга шароит яратишда ифодаланади. Тамом бўлган жиноят ва тайёргарлик кўришнинг объекти бир-бирига мувофиқ бўлиб, мулкий ҳуқуқ ҳисобланади. Ўғрилиқ жиноятининг предмети ўзганинг мулки ҳисобланади. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг предмети ҳам ўзганинг мулки ҳисобланади. Демак, жиноятга тайёргарлик кўришнинг предмети аниқ содир этилган қилмишга нисбатан баҳоланиши лозим ва аксарият ҳолларда у тамом бўлган жиноят предмети билан мувофиқ бўлади. Жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят предметини аниқлаш муҳим бўлиб, жиноятларни квалификация қилишга бевосита таъсир кўрсатади. Жиноятга тайёргарлик кўришда жиноятни содир этиш учун зарур шароит яратилади, бироқ ҳали жиноий қилмиш бошланмаган бўлади. Айрим ҳолларда, жиноятга тайёргарлик кўришда жиноий тажовуз қаратилган предмет ноаниқ бўлиши мумкин.

Масалан, уй-жойга кириб ўғирлик қилишга тайёргарлик кўраётган шахс айнан қайси ашё, предмет ёки пулларни талон-торож қилишини билмаслиги мумкин. Шунга мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят предметини аниқлаш ҳуқуқий аҳамият касб этмайди, лекин шахс тўғри қасддан жиноят содир этишга тайёргарлик кўрар экан, унинг ҳаракатлари натижасида реал зарар етказиш хавфи юзага келадиган жиноят объекти конкрет бўлади.

Демак, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган муайян ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ҳар қандай жиноятларга ҳам тайёргарлик кўриш мумкин эмаслигини инобатга олган ҳолда, муайян ижтимоий муносабатлар дейиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят таркибининг навбатдаги зарурий элементи жиноят объектив томони бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини таҳлил этиш жараёнида қатор муаммолар ҳолатларни кузатиш мумкин:

Биринчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятни содир этиш ёки яширишга шароит яратишга қаратилган қилмиш бўлиб, унинг объектив томони шарт-шароит яратишда ифодаланади ҳамда ЖК Махсус қисмида назарда тутилган қилмиш содир этилмаганлиги билан тавсифланади.

Иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчасини таърифлашда қонун чиқарувчи томонидан "содир этилиши бошлангунга қадар охиригача етказилмаган" ибораси қўлланилган бўлиб, бунда жиноятнинг объектив томон бошланмаганлиги назарда тутилган, бироқ шу ўринда мазкур атамаси остида қайси объектив томон (тамом бўлган жиноят объектив томони ёки жиноятга тайёргарлик кўриш объектив томони) назарда тутилганлиги масаласи юзасидан ойдинлик киритилиши зарур.

Учинчидан, агар жиноятга тайёргарлик кўришда объектив томон мавжуд эмас, деган хулосага келсак, жиноий жавобгарлик асоси тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Чунки жиноий жавобгарликнинг ягона асоси жиноят таркиби элементларининг мавжудлиги бўлса, жиноят таркибининг устқурмасини объектив томон ташкил этади.

Тўртинчидан, айнан объектив томонни аниқлаш орқали бошқа элементлар ойдинлашади, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) қайси ижтимоий муносабатга тажовуз қилганлиги, шахснинг қилмишига бўлган руҳий муносабати ва ҳ.к. Шундай экан, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини аниқлаш орқали тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик асоси ва жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида мазкур масала юзасидан ягона тўхтамага келинмаганлиги туфайли олимлар томонидан турлича ёндашилади. Жиноятга тайёргарлик кўришда объектив томон мавжуд бўлмайди ёки тайёргарликнинг объектив томони ўзига хос ёхуд тайёргарликда тамом бўлган жиноят объектив томони бошланмаган бўлади, деган фикрлар билдирилган. Уларнинг фарқи ва ўхшаш жиҳатларини умумлаштирган ҳолда, тўртта гуруҳга ажратиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Биринчи гуруҳдаги (А.А.Герцензон, Л.З.Тадевосян) олимлар фикрича, "жиноятга тайёргарлик кўриш жиноий ният амалга оширилишининг бошланиши ҳисобланади, жиноят содир этишнинг бошланиши эмас" [1, 48-бет.] Фикримизча, жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этишнинг дастлабки босқичи

бўлиб, нафақат жиноят содир этишни ният қилиш, балки уни содир этиш учун шароит яратиш ва зарур бўлган конкрет ишларни бажариш билан тавсифланади.

Иккинчи гуруҳ (О.А.Юсупджанов [5, 107-бет.], К.Т.Тедеев [4, 49-50-бет.], Ф.Т.Тоҳиров [6, 85-бет.], М.Усмоналиев [7, 255-256-бет.] ва бошқалар) ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида жиноят таркиби объектив томони умуман мавжуд бўлмайди, бу ерда тайёргарлик кўришнинг ижтимоий хавфини белгиловчи ва келгусида объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни содир этиш учун шароитлар яратилади" [6, 85-б.]. Дарҳақиқат, жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратилади. Бироқ, жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят объектив томони умуман мавжуд эмаслиги тўғрисидаги фикрга қўшилиш мунозарали. Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Жиноят кодексининг 16-моддаси ифодаланган мазкур норма ягона асосий қоида бўлиб, қилмиш охирига етказилган ёки охирига етказилмаганлигидан қатъи назар, барча ҳуқуқ институтларига бир хил татбиқ этилиши зарур ва шарт. Шунинг учун юқорида фикрлари баён этилган олимларнинг нуқтаи назарларини қўллаб-қувватламаймиз.

Учинчи гуруҳ (В.Д.Иванов) фикрича, "жиноятга тайёргарлик кўриш конкрет жиноятни бевосита содир этиш учун шароит яратишга қаратилган шахс хулқ-атворининг ташқи ифодаси бўлиб, тамом бўлган жиноят объектив томони ривожланишининг бошланиши бўлиб ҳисобланади" [8, 88-б.] Биз мазкур фикрга қўшилишни лозим деб топмадик. Сабаби, тайёргарлик кўриш қасдни амалга ошириш учун шароит яратишда ифодаланади, бунда жиноят содир этиш бошланмаган, жиноий тажовуз амалга оширилмаган бўлади. Жиноят содир этишнинг бевосита бошланмаганлиги белгиси жиноят содир этишнинг дастлабки босқичини қолган босқичлардан фарқлайди.

Тўртинчи гуруҳ (А.С.Якубов [9, 277-278-бет.], М.П.Редин [10, 159-168-бет.] А.В.Наумов [11, 424-бет.] А.И.Ситникова [12, 117-бет.]) вакиллари, жумладан, М.П.Редин фикрича, "жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томони ўзига хос мустақил бўлиб, тамом бўлган жиноят таркиби объектив томонидан фарқ қилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят объектив томони ривожланишининг бошланиши ҳисобланмайди, жиноятга тайёргарлик кўриш ва тамом бўлган жиноят бир-бири билан қўшилмайди, чунки биринчи ҳолатда қасд тайёргарлик кўриш ҳаракатларига қаратилган бўлади ва тамом бўлган жиноятдан фарқ қилиб, бошқача объектив томонда намоён бўлади. Шу билан бирга, тайёргарлик ҳаракатлари тамом бўлган жиноят таркибини содир этишдан аввал амалга оширилади ва қатор мустақил ҳаракатлардан ташкил топади. Масалан, одам ўлдириш мақсадида қонунга хилоф тарзда қуролга эга бўлиш турли ҳаракатлар билан бирга содир этилиши мумкин, хусусан, жиноят иштирокчилари билан тил бириктириш, тахминий жабрланувчини ҳаракатланиш йўналишини ўрганиш ва ҳ.к. Тайёргарлик ҳаракатлари жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини ташкил этади, бироқ, мазкур ҳаракатлар тайёрланаётган жиноятнинг объектив томони таркибига кирмайди. Масалан, шахс

одам ўлдириш жиноятига тайёргарлик кўради ва шу мақсадда пичоқ сотиб олади. Одам ўлдириш жиноятининг объектив томони ўзга шахсни қасддан ҳаётдан маҳрум этиш бўлса, пичоқни сотиб олиш одам ўлдиришга тайёргарлик кўришнинг объектив томонини ташкил этади. Бироқ, пичоқни сотиб олиш ҳаракатининг ўзи одам ўлдириш жинояти объектив томонини ташкил этмайди. Шунга мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўриш таркиби ўзига хос (мустақил) объектив томонга эга. Шунинг учун жиноятга тайёргарлик кўриш жинойи қасдни амалга ошириш учун шароит яратишга қаратилган жинойи фаолият ҳисобланади. Тамом бўлган жиноят эса жиноятга тайёргарлик кўриш босқичидан фарқ қилган ҳолда, жиноятни содир этиш билан ифодаланади. Шунга мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари тамом бўлган жиноят таркибига кирмайди ва унинг объектив томони ривожланишининг бошланиши ҳисобланмайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракат (ҳаракатсизлик) жинойи қасд амалга оширилишининг бошланиши бўлиб, жиноятни содир этишнинг бошланиши ҳисобланмайди" [10, 159-168-бет.].

Юқоридаги фикрнинг эътиборли жиҳати шундаки, тайёргарлик кўришнинг объектив томон белгилари ва тамом бўлган жиноят объектив томони белгилари ўзаро фарқланиши лозимлиги қайд этилган.

Шу ўринда шуни таъкиллаш керакки, амалга ошириладиган тайёргарлик кўриш ҳаракатлари тамом бўлган жиноятни содир этишга қаратилган бўлади. Шахс айнан қасд қилган жиноятини содир этиш учун тайёргарликни амалга оширади. Тайёргарлик кўришни тамом бўлган жиноятлардан айри ҳолда кўриш нотўғри. Улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчиси билан қопланади. Қонун чиқарувчи томонидан жиноятга тайёргарлик кўришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятга қараганда камроқ бўлганлиги сабабли енгилроқ жавобгарлик назарда тутилган. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томони хусусияти шундаки, айбдор томонидан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) бевосита жинойи тажовуз амалга оширилиши учун зарур шароит яратилади, шунга мувофиқ, мазкур ҳаракатлар тамом бўлган жиноят объектив томони ривожланишининг бошланиши ҳисобланмайди.

Жиноятга тайёргарлик кўришда ЖК Махсус қисм диспозициясида ифодаланган қилмиш содир этилмайди, бироқ мазкур қилмишларни содир этиш учун зарур шароит яратилади. Демак, жиноят содир этишнинг дастлабки босқичи жиноятга тайёргарлик кўришда тамом бўлган жиноят объектив томонининг бошланиши ҳисобланмайди, ЖК Махсус қисм диспозициясида ифодаланган қилмиш амалга оширилмайди. Шунга мувофиқ, кодексда ифодаланган "содир этилиши бошлангунга қадар" атамаси остида тамом бўлган жиноят объектив томонининг бошланмаганлиги назарда тутилиши лозим.

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томони таҳлил этишдаги муаммоли масалалардан яна бири ЖК 16 ва 25-моддалари ўртасидаги номувофиқликдир. Жумладан, 16-моддага мувофиқ, содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркиби элементларининг тўлиқ мавжудлиги жинойи жавобгарликнинг ягона асоси ҳисобланади, деган қоида белгиланган. ЖК 25-моддасига кўра, жиноятга тайёргарлик кўришда нафақат жинойи қилмиш охирига етказилмаган, балки ЖК Махсус қисм диспозицияси ифодаланган қилмиш содир этилмаган бўлади. Демак,

бир томондан 16-моддада жиноят таркибининг барча элементлари тўлиқ мавжуд бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган бўлса, иккинчи томондан, эса жиноятга тайёргарлик кўришда эса жиноят таркибининг белгилари тўлиқ мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Шунинг учун жиноят таркиби ва тайёргарлик кўришнинг таркиби тушунчаларини ўзаро фарқлаш лозим. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг таркиби тамом бўлган жиноят таркибидан фарқ қилиб, муайян хусусиятлар билан ифодаланади:

биринчидан, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти – бу жиноят кодекси билан муҳофаза қилинадиган ва жиноятга шарт-шароит кўриш натижасида зарар етказиш хавфи мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади;

иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўришнинг предмети – бу жиноятга шароит яратиш натижасида зарар етказилиши хавфи мавжуд бўлган моддий дунё неъматлари ҳисобланади;

учинчидан, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив томони – бу ЖК Махсус қисм диспозициясида ифодаланган жиноятни содир этиш учун шароит яратишга қаратилган айбли, ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, онгли ҳаракат ҳисобланади.

Шунинг учун жиноят таркиби ва жиноятга тайёргарлик кўришнинг таркиби тушунчалари ўзаро ажратиш ва фарқлаш лозим. Демак, ЖКнинг 16 ва 25-моддалари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, бир хиллаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 16-моддасини қуйидаги тахрирдаги 3-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

"Тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик асоси содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш таркибларининг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади".

Адабиётлар рўйхати:

1. Агаев И.Б. Состав преступления: понятие, элементы, значение: учеб.пособие. – М.: Юристь, 2008. – С.22.
2. Чернокозинская С.В. Приготовление к преступлению: понятие, основания и принципы криминализации, влияние на квалификацию преступления и наказание. Дисс. ...канд.юрид.наук. Саратов, 2005. – С.81-82.
3. Неоконченное преступление: монография / Л.З.Тадевосян – М.: Юнити-Дана: Закон и право, 2008. – С.49.
4. Тедеев К.Т. Стадии совершения преступления и конструкции составов. Дис. ...канд.юрид.наук. канд.юрид.наук. – Москва, 2005. – С.49-50.
5. Юсупджанов О.А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари. Дис. ...юрид.фан.номзод. –Т., 2010. – Б. 107.
6. Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фанлари доктори... Дисс. –Т.: ТДЮИ. 2007. – Б. 85.
7. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). –Т.: Насаф, 2010. –Б.255-256.
8. Иванов В.Д. Понятие и виды стадий преступной деятельности // Правоведение. 1992. –№6. – С.88.
9. Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С.Якубов, Р.Кабулов и др. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – С.277-278.